



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 29 ноябрь, № 247 (7477)

Жума

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

Кўп асрлик дўстлик ва маданий алоқаларнинг янги босқичи



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 28 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди. Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ва урф-одатлари ўхшаш. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустақкам ҳамкорликка асос бўлмоқда.

Давлатлар ҳамдўстлиги саммитида иштирок этиш учун Туркменистонда бўлди. Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар даражасида ҳам кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда.

Туркменистон Президентининг бу галги ташрифи давлат раҳбарлари дўстлигининг яна бир ифодаси, 29 ноябрь куни пойтахтимизда ўтказилмоқда.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи Кўксарой қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви билан бошланди.

Алоҳида таъкидлаш кераки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илк хорижий ташрифи 2017 йил 6-7 март кунлари Туркменистонга бўлган эди. Бу бежиз эмас. Мазкур ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратишнинг ёрқин далилидир. Уша музокараларнинг асосий натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи Кўксарой қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Музокаралар чоғида амалий ҳамкорлик масалаларига, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда қўшма

лаёижаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустақкамлашга хизмат қилиш хусусида яқдил фикр билдирдилар.

Туркменистон минтақадаги асосий савдо шерикларимиздан бири. Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, мевасабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи муттасил ошмоқда. Жумладан, 2018 йилда 302 миллион доллардан ошган бўлса, 2019 йил январь — октябрь ойларида бу кўрсаткич 429 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан яна бири транспорт соҳасидир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва

темир йўллари орқали ўзаро савдо юклари ташилмоқда, учинчи давлатлар учун ҳам транзит қилинмоқда. Хусусан, 2018 йилда темир йўл орқали халқаро юк ташил хажми 23,7 фоиз ошган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан яна 37 фоиз ўсди. Автомобиль орқали ташилмоқда ҳам ижобий сурьатларни кўриш мумкин. 2018 йилда бу борада 3,5 марта ошми кузатилган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,8 марта ўсди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустақкамлашиб бормоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган маданият кунлари тadbирлари, турли концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

2017 йил май ойида Тошкентда Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди. 2018 йил апрель ойида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг «Ашхобод» сайилгоҳи, Хоразм вилоятида «Ўзбек — туркман» дўстлик уйи ва

қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстликни мустақкамлашдаги хизматларига улкан ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Туркменистон Президентининг аждодлар маънавий мероси ва фундаментал илмий изланишларга асосланган кўп сонли илмий асарлари бугунги фан, маданият ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар кўп асрлик алоқалар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлгани ва бугунги кунда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тобора ривожланаётганини қайд этди. Бу ўзаро савдо ҳамжамининг сезиларли ошгани, саноат кооперацияси ва ҳудудлараро ҳамкорлик кучайиб бораётгани, маданий-гуманитар алоқалар фаоллашганида намён бўлмоқда.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон Фанлар академиясига курсатилган юксак эътибор учун чукор миннатдорлик билдирди, бу Туркменистонга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, мамлакатнинг фан ва таълим соҳаларидаги ютуқлари эътибори, халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустақкамлигидан далолат эканини таъкидлади.

Туркменистон раҳбари кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар боғлаб турган мамлакатларимизнинг яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлиги ўзаро манфаатларга ҳам, бутун минтақа фаровонлиги йўлидаги мақсадларга ҳам соҳиб эканини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар боғлаб турган мамлакатларимизнинг яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлиги ўзаро манфаатларга ҳам, бутун минтақа фаровонлиги йўлидаги мақсадларга ҳам соҳиб эканини қайд этди.

Туркменистон раҳбари кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар боғлаб турган мамлакатларимизнинг яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлиги ўзаро манфаатларга ҳам, бутун минтақа фаровонлиги йўлидаги мақсадларга ҳам соҳиб эканини қайд этди.

САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Халқ демократик партияси: Муваффақиятга элтувчи 12 қадам» сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

САММИТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоси Нурсултон Назарбоев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун 28 ноябрь куни Тошкентга келди.

Олий мартабали меҳмонларни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Авал хабар қилингандек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви 29 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Учрашув сўнгида якуний ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.

Ў.А.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ

Бу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш долзарбдир.

Пойтахтимизда XXI асрда гендер тенглик ва ёшлар масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган халқаро форум бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Халқаро форум

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, БМТ ва унинг тузилмалари, ЕХТ ДИИХБ, Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) каби нуфузли халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, ННТ вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, эллика яқин халқаро экспертлар, хорижий давлатлардан мутахассислар қатнашди.

Тадбирда илм-фан ва маданият намояндлари, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари сўзга чиқиб, Туркменистон Президентини юксак унвон билан табриклиди.

Маросимда икки мамлакатнинг расмий делегациялари аъзолари, академик доиралари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси 2019 йил 30 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида

сенаторлар томонидан бир қатор масалалар кўриб чиқилади.

- Жумладан, «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун;
- «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун;
- «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун.

Бундан ташқари, кун тартибига кўра:

✓ Вазирлар Маҳкамасининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг 2019 йил учинчи чорагидаги ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилади.

Вазирлар Маҳкамасига:

- ✓ Арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги муаммолар юзасидан;
- ✓ Аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш жараёнидаги муаммолар тўғрисида парламент сўрови жириш назарда тутилган.

3

Халқ демократик партияси:

МУВАФФАҚИЯТГА ЭЛТУВЧИ 12 ҚАДАМ



Мамлакатимиз катта сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар арафасида турибди. Бугун юртдошларимиз, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори шу воқеага қаратилган. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини қизгин олиб бормоқда.
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мазкур сайловда фаол ва муносиб иштирок этишга ҳаракат қилапти. Катта тажрибага таянган ҳолда, янги гоғлар ва илғор ташаббуслар, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган асосли, аниқ таклифлар билан янги сайловга қадам қўйди.

Партия 2030 йилгача юртимизда ижтимоий демократик давлат асосларини шакллантиришни ўзининг бирламчи дастурий мақсади, деб белгилади.
Сайловлардан сўнг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз келгуси 5 йил ичида ана шу мақсадга эришиш учун муҳим 12 қадамни амалга оширади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги номзодларимиз дастурлари шу йўналишлардаги устувор гоғларга асосланган. Қўйида мазкур дастлабки 12 қадамнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусидаги фикрлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратидан фойдаланилади

Муҳаббат УМАРОВА, 82-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Партияимиз парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати воситасида эҳтиёжманд тоифадаги аҳолига дори воситалари, медикаментлар, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматларни харид қилиш имтиёзини тақдим этишда ижтимоий адолат тамойилига тўла амал қилишга эришади.



Яшаш минимуми орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш даражаси ортади. Қандай қилиб?

Феруза РАҲИМОВА, 64-Нарпай сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Айтиш керакки, яшаш минимуми кўрсаткичлари давлат томонидан ижтимоий сиёсат юритишда қўлланилади. Хусусан, аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун яшаш минимумидан паст, тенг ва юқори даромадга эга аҳоли салмоғи аниқланади. Шу асосда аҳоли кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш учун аниқ етиб борадиган манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Энг кам иш ҳақи ва пенсияларни асослашда фойдаланиладиган ушбу кўрсаткич, ўз навбатида, кам таъминланганлик мезони ҳамдир.
Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини конституциявий меъёр билан амалга ошириш энг муҳим вазифадир.



Шундан келиб чиқиб, биз пенсиялар, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаш, бу борада конституциявий меъёрларни амалга оширишга интиламиз.

Парламентдаги фракциямиз ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги ҳаётӣ эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантиришни таъминловчи "истеъмол саватчаси" қўймати асосида яшаш минимуми тарифини қонун билан мустаҳкамлашга бел боғлаган.

Бепул фойдаланиш йўлга қўйилади

Пўлат ХУДАЙБЕРГЕНОВ, 2-Тўртқўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлашни, шу билан бирга, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантиришни ҳам қамраб олади.
Айталик, кимгадир иш шароитида енгиллик яратиш керак. Ёки кимдир соғлигини тиклаш учун ёрдамга муҳтож. Жисмоний имконияти чеklangанларга эса таълим соҳасида қулайликлар керак бўлади. Эҳтиёжманд инсонларга ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий ёки реабилитация хизматларини кўрсатиш орқали уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун имконият яратиш муҳим масала саналади. Демак, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.



Шулардан келиб чиқиб, биз ҳар бир инсоннинг ҳаётӣ зарур ижтимоий хизматлардан бепул фойдаланишини қонунчилик даражасида ва реал ҳаётда қафолатлашни истаймиз.

Биз фуқароларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш, уй-жой, ижтимоий ҳимоя, маданий ҳаётда кенг иштирок этиш ҳамда малакали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқарамиз.

Ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантираимиз

Гулноза САТИМОВА, 10-Олтинқўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Партияимиз эҳтиёжманд аҳоли қатламининг қундалиқ зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади.



Ана шу мақсадда партияимиз илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳоли қатлами учун қундалиқ зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантиришни ҳам режалаштирган.

Бу орқали аҳолининг кам таъминланган қатламлари, пенсионерлар ва имконияти чеklangан инсонларнинг ҳаёт даражаси, сифатини ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга қундалиқ эҳтиёж маҳсулот ва хизматларига ижтимоий мақбуллиқни таъминлашга эришиш имкони ортади, деб ўйлаймиз.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун бир хил имконият яратиш тарафдоримиз

Хатамбой БАДАЛОВ, 49-Уйчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Бугунги кунга келиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишга кенг қамровда ёндашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки улар ҳам сизу биз каби жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси.



Шуларни инobatта олиб, парламентдаги фракциямиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш ташаббуси билан чиқади. Шунингдек, миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрӣ қоидаларига мувофиқлаштиришга эришади.

Бир вақтнинг ўзида партия парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати воситасида бу ишларнинг вилоятлар ва аҳоли пунктларида ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилишига эришади.

Коммунал соҳада монополияга чек қўямиз



Зулфия ТУЙЕВА, 27-Варахшо сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Партияимиз депутатларига, "Жамоатчилик қабулхоналари"га коммунал хизматлар соҳасига доир қўллаб-қувватлаш қилиб тушмоқда. Уларнинг қўлида тўлов билан боғлиқ муаммоли вазиятлар, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, қўшимча ҳақ ҳисоблаш каби ҳолатлар баён этилган.

Шундан келиб чиқиб, биз энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларини истеъмолчлар гардиёмога юқлайдиган коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг монополиясига барҳам беришни кўзлаганмиз.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам аҳолининг қиммат бўлмаган электр энергияси, иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича замонавий муқобил тизимларни яратиш ҳамда бу борада ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга эришади.

Эҳтиёжманд одамларга арзон тураржойлар берилади

Обиджон САИДОВ, 38-Навобий сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ва турмуш сифатини яхшилашда уларни уй-жой билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Уй бор одам хотиржам яшайди. Шу маънода айтадиган бўлсак, эҳтиёжманд, ўзгалар қаровига муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсатни изчил амалга ошириш аҳолининг ижтимоий заиф қатламига муносиб турмуш шароити яратиш беришдан бошланади. Бунинг учун, албатта, уларни арзон тураржойлар билан таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.



Партияимиз аҳолининг ижтимоий заиф қатламига арзон тураржойлар қурилишини кенгайтириш учун қатъий ҳаракат қилади.

Жумладан, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз яқин 5 йил ичида ижтимоий аҳоли оғир, яшаш шароитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган аёллар, фарзандларини тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган кам таъминланган оналар ва Меҳрибонлик уйлари битирувчилари уй-жой билан таъминлашни назоратга олади.

Мажбурий тиббий хизматлар рўйхати қонун билан тасдиқланади

Гулчехра ИСЛАМОВА, 72-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Парламентдаги фракцияимиз мулкчилик шакли ҳамда молиялаштириш манбасидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасасида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатининг қонун билан тасдиқланишига муваффақ бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ниятимиз — одамлар тиббий хизматдан рози бўлишига эришишдан иборат.



Жумладан, биз яқин истиқболда юқори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий заиф қатламдаги аҳолини ҳар йили бепул юқори технологияли тиббий қуриқдан ўтказишни йўлга қўйиш учун астойдил курашамиз.

Муаммолар самарали ҳал этилади

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ, 150-Шайхонтоҳур сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Бизнинг парламентдаги фракцияимиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи меъёрӣ-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий ижтимоий маслаҳати, жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизаси механизмининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида астойдил кураш олиб боради. Бу ҳали ҳаммаси эмас.



Ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида давлат органлари фаолиятига ва аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишни таъминлайдиган ижтимоий диагностиканинг илғор услубларини жорий этиш чораларини кўрамиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайса, оилалар тўқис ҳаёт кечиради

Тoшбўри ЭГАМНАЗАРОВ, 134-Яккабоғ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида маҳаллий бюджет маблаглари ва хусусий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли корхоналарни ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга оширишни таклиф этади.



Шу асосда биз беш йилда ишга лаёқатли аҳолининг яшаш минимумидан камиди 50 фоиз юқори бўлган иш ҳақи даражасига эга, барқарор иш ўринларида бандлик унумдорлигини 2 баравар оширишга эришмоқчимиз.

Ўз навбатида, вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюроси фаолиятини ташкиллаштириш, жумладан, ушбу меҳнат тури билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун керакли тартибни жорий этишни ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олганмиз.

Таълимда тенглик ўрнатилади

Зокиржон НУРОВ, 93-Паркент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Биз яқин истиқболда барча аҳоли қатламларининг мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаидан қатъи назар, барча таълим муассасаларида касбий таълим олишлари ва малакасини оширишлари учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.



Шу билан бирга, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва келгусида 6 ёшдаги болаларни мажбурий мактабгача таълим ва тарбия билан тўла қамраб олиш, мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш таклифини илгари сурмоқдамиз.

Бундан ташқари, партияимиз мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни баланслашган соғлом озиқ-овқатлар билан қафолатли таъминлаш ташаббуси билан чиқади.

Ўқитувчилар ва шифокорларнинг маққени янада мустаҳкамлаймиз

Отажон РАСУЛОВ, 103-Кўкон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:
— Партия ўқитувчилар ва шифокорларнинг ижтимоий маққени янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади.



Ана шу мақсадда бизнинг парламентдаги фракцияимиз соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, обрўйи ва хавфсизлиги ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган меъёрларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлашга эришади.

Биз, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни чека ва олис қишлоқ аҳоли пунктларидаги тиббиёт ва таълим муассасаларига жалб этиш мақсадида имтиёзлар ва рағбатлар тизимини йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз. Бу қишлоқ аҳолисининг сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада ошириши, шубҳасиз.

Хўрматли сайловчилар! Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз. БИЗ ЮКСАК ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАШ ВА ОЛДИМИЗДАГИ 12 ҚАДАМНИ ТАШЛАШ УЧУН ҚАТЪИЙ КУРАШАМИЗ!

